

## Бухоро вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2023 йил якунлари тўғрисида маълумот

2023 йилнинг январь-декабр ойлари давомида жами **398,6** минг нафар аҳоли бандлигини таъминлашга эришилди. (режа **250,0** минг нафар, **159,3** фоиз) жумладан **144,7** минг нафар доимий, **23,6** минг нафар легаллаштириш ҳисобига ва **229,8** минг нафар мавсумий ишларга ва ишсиз ва кам даромадли фуқароларимиз жалб қилиниши ҳисобига қўшимча даромад билан таъминланди.

Йўналишлар ва соҳалар кесимида кўрадиган бўлсак;  
Тадбиркорлик, савдо ва сервис ҳамда ҳунармандчилик йўналишларида **129,3** минг нафар (режа **74,8** минг нафар, **173,0%**);

Йирик инвестициялар ва ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида **16,8** минг нафар (режа **15,5** минг нафар, **108,3%**);

Қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасида **241,2** минг нафар (режа **149,1** минг нафар, **161,8%**).

Қурилиш ва коммунал соҳада **10,8** минг нафар (режа **10,6** минг нафар, **102,4%**).

Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кўрилган тадбирлар.

Вилоятда ишсизлик даражасини олдини олиш ҳамда аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва уларни ижтимоий ҳимояга олиш мақсадида 2023 йил якуни бўйича меҳнат органлари томонидан 58 минг нафардан ортиқ фуқароларга турли хизматлар кўрсатилди. Хусусан:

- 31 776 нафар ишсиз фуқаролар доимий иш ўринларига ишга жойлаштирилиб, белгиланган прогноз (29 204 нафар) ижроси 108,8 фоизга бажарилди;

- 5 070 нафар ишсиз фуқаролар квоталанган иш ўринларига ишга жойлаштирилиб, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг қарори билан белгиланган жами 4 050 нафар режа-топшириқ ижроси 105,3 фоизга бажарилди.

- 8 510 нафар ишсиз фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилиб, 2022 йилнинг якунига нисбатан 105,7 фоизга яъни 459 нафар кўп фуқаролар жамоат ишларига йўналтирилган;

- ишсиз фуқароларни бандлигини таъминлаш, субсидия ва кредитлар ажратиш ҳисобига 2022 йилга нисбатан ишсизлик нафақа оладиган фуқаролар сони 1 632 нафарга қисқариб, 3 687 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган.

Шунингдек, 9 174 нафар ишсиз фуқаролар меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга ва тадбиркорликка ўқитилиб, 2022 йилнинг якунига нисбатан 117,3 фоизга яъни 1 356 нафар кўп жалб этилган.

Жумладан,

- тикувчи – 3 703 нафар;
- уқаловчи – 570 нафар;
- сартарошлик (аёллар сартароши) – 508 нафар;
- вэб дастурчи – 308 нафар;
- ёш болалар учун энага, тарбиячи ёрдамчиси – 261 нафар;
- қандолатчи – 203 нафар;
- асаларичилик – 166 нафар;
- ошпаз - 163 нафар;
- автосервис хизмат кўрсатиш (моторист + ходовшик, кузов таъмирловчи ) – 158 нафар;
- пайвандловчи – 149 нафар;
- электрик/электромонтёр – 142 нафар;
- сувоқчи, бўёқчи – 136 нафар;
- бухгалтер (ўрта малакали) – 130 нафар;
- ошпаз-қандолатчи – 128 нафар;
- замонавий пардалар тикувчи ва дизайнери – 118 нафар;
- бошқа йўналишларда – 2 331 нафар ишсиз фуқаролар касб-ҳунарларга ўқитилган.

## **Туман (шаҳар)ларда 2023 йил якунлари натижадорлиги бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида**

Маҳаллабай тизими асосида маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Жумладан,

### **I. Ҳоким ёрдамчилари томонидан ўтказилган хатлов натижалари**

Бухоро вилоятида 2023 йил **31 декабрь** ҳолатида маҳаллаларга бириктирилган ҳоким ёрдамчилари томонидан вилоятдаги мавжуд **544 та** маҳалладаги **447 526 та** хонадонларнинг барчаси сўровнома асосида 100 фоиз ўрганилиб, хатловдан ўтказилди.

Ўрганиш натижаларига кўра хонадонлар **3 тоифага** ажратилди.

**37 541 та** хонадон **1-тоифа** (хатлов ўтказилган хонадонларга нисбатан **8,3 %**; *(кам таъминланган, эҳтиёжманд ва даромади паст хонадонлар)*);

**230 110 та** хонадон **2-тоифа** хатлов ўтказилган хонадонларга нисбатан **51,4 %**; *(хонадон аъзоларининг жон бошига тўғри келадиган ўртача ойлик даромадлари миқдори минимал истеъмоЛ харажатларининг 1 бараваридан 3 бараваригача, яъни 498 минг сўмдан 1,5 млн сўмгача бўлган хонадонлар)*

**217 416 та** хонадон **3-тоифа** (хатлов ўтказилган хонадонларга нисбатан **48,6 %**; *(яшаш шароити яхши, ўзига тўқ, хонадон аъзоларининг жон бошига тўғри келадиган ўртача ойлик даромадлари миқдори минимал истеъмоЛ харажатларининг 3 бараваридан, яъни 1,5 млн сўмдан ортиқ бўлган хонадонлар)*

### **II. Ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ажратилган кредитлар**

Ҳоким ёрдамчилари тавсияномасига асосан 2023 йилда жами **902,0 млрд.сўм** имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши белгиланган.

2023 йил якунига қадар тижорат банклари томонидан Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида

жисмоний ва юридик шахсларга жами **921,3 млрд.сўм** кредит маблағлари ажратилиб, белгиланган режа **102,1 фоизга** бажарилди.

### **III. Маҳаллаларда кичик лойиҳаларни амалга ошириш йўналиши бўйича амалга ошириладиган ишлар**

2023 йил якунига қадар ҳоким ёрдамчилари томонидан умумий қиймати **921,8 млрд сўмга** тенг **3 008 та** кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари шакллантирилди. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида **14 201 нафар** иш ўринлари яратилишига эришилди. **(3-жадвал).**

### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан вилоятда ташкил этилаётган Микромарказлар тўғрисида**

Маҳаллаларда микромарказлар ташкил этиш бўйича Жондор туманида **1 та**, Ёждувон туманида **20 та** маҳаллаларда бўш турган бино иншоотларни тадбиркорларга ижарага бериш орқали **31 та** лойиҳа амалга оширилиб, **472 та** янги иш ўринлари яратилди. **(4-жадвал)**

### **V. Деҳқон хўжалиги ерларини аукцион савдоларига чиқарилиши (ПҚ-373-қарорлар доирасида)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 сентябрдаги **ПҚ-373-сонли** қарорига асосан 2023 йил якунига қадар **6 108,0 гектар** ер майдонларини ҳамда 2022 йилдаги қолдиқ билан биргаликда вилоятда жами **6 427,0 гектар** ер майдонларини фуқароларга очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида ажратиб берилиш белгиланган. 2023 йил январь-ноябрь ойлари ҳолатига кўра **15 213 та** лотдан иборат **6 272,0 гектар** ер майдонлари савдога чиқарилди. Шундан, **14 874 та** лот **6 065,0 гектар** ер майдони фуқароларга ижара ҳуқуқи асосида ажратилди.

### **VI. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилаётган субсидия маблағлари бўйича**

2023 йил якуни бўйича вилоятда Аҳолини тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ўзини ўзи банд қилиш ва иш билан

таъминлаш мақсадида ҳоким ёрдамчиларининг тавсияси асосида 17 млрд 516 млн сўм субсидия маблағлари ажратилиши ҳисобига 3 622 нафар фуқароларга асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари олиб берилди. Жумладан:

Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун 506 нафар фуқароларга 3 млрд 730 млн сўм;

Суғориш воситалари харид қилиш учун 16 нафар фуқароларга 39 млн сўм;

Кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун 80 нафар фуқароларга 240 млн сўм;

Асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун 2 548 нафар фуқароларга 12 млрд 707 млн сўм;

«Ҳунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун 374 нафар фуқароларга 276 млн сўм;

"Уста-шогирд" анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга зарур хом ашё сотиб олиш ва иш ҳақи учун 44 нафар фуқароларга 111 млн сўм;

Асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш, интернет сайтларини ташкил этиш, ва реклама учун 10 нафар 39 млн сўм;

Касб-ҳунарга ўқитиш марказларидаги усталарга шогирдлар тайёрлаш ёки шогирдларни иш ҳақиси учун 44 нафар фуқароларга 444 млн сўм маблағлар ажратилган.